

БАҲОДИР ХУДОЙБЕРГАНОВ

АЁЛ АРМОНИ

РОМАН

ТОШКЕНТ
«YANGI NASHR»
2017

УДК: 821.512.133-3
ББК 84(5Ў)7
Х-98

Худойберганов Баҳодир

Аёл армони: Роман. – Т.: “Yangi nashr”, 2017. – 336 б.

ISBN-978-9943-22-284-7

Аёлни тушуниб бўладими? Аёл ҳиссиётини, унинг зиддиятли туйғуларини тўла англаш мумкинми? Файласуфлар бу саволга «йўқ» деб жавоб беради. Бинобарин, аёл дунёси – тилсимли дунё. Зоҳирий ҳаракатларини кузатиш орқалигина бу оламни қисман эгаллаш мумкин.

Ёзувчи Баҳодир Худойберганов «Аёл армони» романида ўша ғаройиб мавзуга қўл урган. Даставвал дугона тутинган аёлларнинг турмуш сўқмоқларидан қай тариқа илгарилаганини, орзу-истаклари, армону изтиробларини ёрқин тасвирлайдики, бу ҳол насримиз учун деярли янгиликдир.

Мазкур романда сиз ҳаётнинг унчалик кўзга ташланмайдиган қирралари талқинига рўбарў келасиз. Худди ана шу хусусият роман қадрини янада оширади ва сизни нотаниш тилсимотлар ифодасига ошно қилади.

УДК: 821.512.133-3
ББК 84(5Ў)7

ISBN-978-9943-22-284-7

© «O'ZBEKISTON» НМИУ, 2012
© “Yangi nashr” нашриёти, 2017.

*Қизнинг бутун бойлиги унинг номусидир,
у ҳар қандай меросдан ҳам қадрлироқ.*

ШЕКСПИР

БИРИНЧИ ҚИСМ

Кенг ва равон асфальт йўлда машиналар ғизиллаб у ёқдан-бу ёққа, бу ёқдан-у ёққа тинимсиз ўтиб туради. Бир-бирининг кўлини ушлаб олишган уч қиз йўлнинг пиёдалар ўтадиган жойидан метро бекати томонга қараб юришди.

Шу пайт улардан бири:

– Фарангиз, мана дипломни ҳам олиб олий маълумотли бўлдик! – деди.

– Ҳаёт бўсағасидан яна бир қадам ичкарига кирдик дегин, Шахло, – деди Фарангиз кувноқ бир овозда.

– Тўғри айтасан, дугонажон, – деди Шахло. Кейин, у ёнида жим келаётган дугонасига юзланиб сўз қотди. – Турсуной, сен нега жимсан? Ёки беш йиллик меҳнатининг маҳсули – диплом олганингдан хурсанд эмасмисан?

– Нега энди? – деди Турсуной бироз паришон ҳолда. – Хурсандман... Фақат ҳар биримиз бошқа-бошқа вилоятдан бўлсак, энди қачон учрашамиз деб хаёлга толибман.

– Қўрқма, дугонажон, беш йил бир ота-онанинг фарзандларидек бўлиб бир хонада яшасаг-у... энди бир-биримизни йўқотиб қўйишимизга асло йўл қўймаймиз, – деди Шахло.

Фарангиз билан Турсуной жилмайишганича: «Қандай қилиб?» деган маънода дугонасига тикилишди.

– Ҳа, нима деб ўйловдинлар? Энди бир-биримизни кўрмаймиз, тамом-вассалом демокчимисизлар? – баланддан келди Шахло.

– Йўқ, энди эрга тегсак... – Фарангиз чайналди ва у билинар-билинемас Турсунойнинг кўлини чимчилаб қўй-

ди-да, сўзини давом эттирди. – Шундан кейин эримиз... қолаверса, қайнота ва қайнонамизнинг кўнгилларига қараймиз-да... Улар рухсат беришсагина бир-биримизни йўқлаймиз, холос.

– Мен эрга тегсам ўзи ҳам, ота-онаси ҳам чизган чи-зиғимдан чиқмайдиган йигитга тегаман, – дея яйраб кулди Шахло.

– Омон бўлсак кўрармиз... – деди Фарангиз илмокли бир оҳангда.

– Ҳали сенлар мени эрига, қайнота ва қайнонасига чўри келин бўлади деб ўйлаяпсанларми ? – Шахло Турсуной билан Фарангизга ҳайратомуз бир қараб кўйди-да, яна сўзида давом этди. – Бу беш кунлик дунёдан йиғлаган ҳам ўтади, ўйнаб-кулган ҳам. Бизлар олий маълумотли бўла туриб, ҳаётда ўз ўрнимизни тополмасак-а? Бу кулгили ҳол-ку, ахир?!

– Кўйинглар, қизлар, шу олди-қочди гапларни. Мана, метро бекатига ҳам етиб келдик. Тошкентни тарк этиб кишлоғимизга қайтадиган, ажрашадиган вақтимиз ҳам етди, келинлар, яхши опа-сингиллардай бўлиб хайрлашайлик,– деди Турсуной уларнинг суҳбатини бўлиб.

– Рост айтасан, Турсуной, – Шахло кўлларини ёзиб ёш болалардек кучоғини очди.

Келишган, бир-биридан чиройли, беғубор бу уч нафар қиз кучоқлашиб ўпишганларидан кейин, тез-тез учрашиб туришга аҳдлашганларича хайрлашдилар. Шундан сўнг Шахло билан Турсуной метрога тушиб кетишди. Фарангиз бўлса автобус бекати томонга қараб юрди. Ҳаёт ёшлар, айниқса, болалар ҳаёлида эртакка ўхшайди. Ёки эртакни ҳаётдагидек қабул қилишга мойилликлари кучли уларнинг. Беғуборликнинг асл моҳияти ҳам эҳтимол, шундадир? Кейин эса...

* * *

Ўрта бўйли, кўҳликкина бир аёл чамаси ўн етти ёшлардаги қиз билан автобусдан тушиб, илдам бора бошлашди.

– Ойи, – деди шу пайт ушоққина қиз узокдан олди

одамларга тирбанд салобатли бинони қўли билан кўрса-тиб, – сиз мана шу университетда ўқигансиз-а?

– Ҳа, қизим! Мен ҳам шу университетни тугатганман, – деди аёл энтикиб.

– Мен ҳам мана шу сиз ўқиган университетда ўқисам қандай яхши-я, – деди қиз қувноқ бир овозда.

– Худо хоҳласа дегин, Моҳира қизим! – аёл қизга меҳр тўла кўзлари билан боқди.

– Хўп, ойижон! – деди қиз. – Худо хоҳласа мен ҳам мана шу даргоҳда ўқийман!

– Илоҳим ниятингга етгин, қизим! – аёл қандайдир ички бир ҳаяжон билан гапирарди.

Улар бино олдида ҳужжат топшириш учун навбат кутиб турганларга яқинлашганларида одамлар орасидан қандайдир аёл билан ўспирин йигит ажралиб чиқиб уларга рўбарў келиб қолди. Шунда иккала аёлнинг нигоҳи беихтиёр бир зумга тўқнашди. Кейин улардан бири тилга кириб:

– Шаҳломисан? Ёки ўхшатдимми? – деди.

– Ҳа, мен Шаҳломан, – деди иккинчи аёл ҳам ички бир энтикиш билан унга талпиниб. – Фарангиз, ўзингмисан?!

– Ҳа, менман, Шаҳло, – деб биринчи аёл ҳам унга талпинди.

Бу иккала аёл узок вақт бир-бирини кучоқлаган ҳолда туриб қолишди. Йигит билан қиз бўлса ҳеч нарсага тушунишолмай жим туришарди.

* * *

Икки аёл ўспирин йигит билан қизни эргаштириб қўш-қаватли ҳашаматли ошхонага кириб келишди. Аёллардан бири шинам безатилган айвонга кўз югуртираркан:

– Фарангиз, хув анову чеккароқдаги жой маъқулми-кан? Бемалол гаплашиб ўтирамиз, – деди.

– Бўпти! – деди иккинчи аёл. Кейин у йигит билан қизга юзланиб сўзини давом эттирди. – Юринглар, болаларим!

Улар бориб курсиларга ўрнашиб олишга улгурмасларидан бошига дўппи, эгнига атлас кўйлак-лозим кийиб олган қиз келиб кўлини кўксига кўйганича: – Ассалому алайкум. Хуш келибсизлар, – деди.

– Хушвақт бўлинг, синглим, – деди аёллардан бири курсига ўтираётиб.

– Таомномани кўриб бўлганларингиздан кейин нима хоҳласангизлар айтарсизлар.

– Синглим, сиз ҳозирча бир чойнак кўк чой олиб келинг. Биз шунгача нима ейишимизни маслаҳатлашиб оламиз, – деди иккинчи аёл.

– Хўп бўлади, опагон, – дея қиз тез-тез юриб улардан узоклашди.

– Фарангиз, таомномани кўр-чи, қани. Бизларга маъкул нимаси бор экан...

– Бундай ишда сенга тенг келадигани йўқ эди-ку, Шахло?

– Ҳали ҳам эсингдан чиқармабсан-да? – деди Шахло таомномани кўлига олиб.

– Сенинг эркаликларингни эсдан чиқариб бўларканми? – деди Фарангиз. У стол атрофида ўтирган йигит билан қизга юзланиб тушунтира бошлади: – Шу дугонам билан беш йил бир гуруҳда ўқиб, бир хонада яшаганимдан кейин бунинг характерини мен билмай ким билсин. Бир куни мен буюрган таомни хушламай, «Мен бундай овқатни емайман», деб оч қолган. Шундан кейин очликка чидай олмаганлигидан ярим тунда ётган ўрнидан туриб, шкафта қотиб қолган эски нонни олиб, сув билан ивитиб егани кечагидай эсимда.

– Вой шумтака-ей... – Шахло кўрсаткич бармоғини биғиз қилганича ҳавода силкитиб дугонасига пўписа қилгандек бўлди.

– Мен ўша куни сизларни ухлаб қолди деб ўйласам... Ухламаган экансизлар-да, а?

– Аксига олиб, шу куни хонамизда олдиндан қолган қаттиқ нондан бошқа егулик бирор нарса ҳам йўқ эди-да, – деди Фарангиз тантанавор оҳангда майин жилмайиб.

– Шунинг учун ҳам мен билан Турсуной ўзимизни ухлаганга солиб ётавердик. Ахир, сен билан ади-бади айтишиш кимга ҳам ёқарди.

– Ойи, Турсуной деганингиз ким? – деди даврада ўтирган йигит аёлларнинг суҳбатини бўлиб.

– Акромбой ўғлим, сен бугун ҳужжатларингни топширган университетда, – дея Шахло фарзандига тушунтира бошлади, – мен, мана шу Фарангиз опанг ҳамда яна бир Турсуной исмли дугонам билан беш йил бир гуруҳда ўқиб, бир хонада яшаганман.

– Ҳа-а-а! – деди йигит сўзини чўзиб, гўё ҳамма нарсага тушунгандай. Шу пайт ошхона айвонига кириб келган микти аёл шанғиллаб ҳамманинг диққатини ўзига тортди:

– Эрталаб мен сенларга нима дегандим-а? – бу аёл лаби-лабига тегмай жаврарди. – Ойна-эшиқларни тозалаб ювларинг демаганмидим? – у стол устига ташлаб қўйилган гулли дастурхонни бармоғи билан артиб кўрди. – Мана, стол устини ҳам яхшилаб ювмабсанлар. Ҳамма ёғи мой бўлиб ётибди.

Унинг атрофини ўраб олган беш-олтита киз баробарига ҳаммаси бирдан:

– Ҳозир ювамиз, опажон! Яна қайтадан яхшилаб ювамиз, опажон! Узр, опажон! Бир марта бизни кечиринг, опажон, – дея чувиллашди. Аёл:

– Лобар! – деди-да, жаҳл билан қизлардан бирига юзланиб, кўрсаткич бармоғини ҳавода силтади. – Мен сенга буларнинг бошлиғисан деб неча марта айтгандим? Нега буларга яхшилаб буюрмайсан?

– Узр, опажон! Мендан ўтибди, опажон! Бошқа қайтарилмайди, опажон, – деди Лобар қўлини кўксига қўйганича бошини эгиб.

– Агар бу ҳол яна қайтарилса, сени ишдан бўшатиб бу ердан думингни тугаман. – Аёл энди бармоғини бигиз қилганича ўдағайлади. – Гапларимни тушундингми?

– Тушундим, опажон! Тушундим... – Лобар ҳамон бошини эгиб қўлини кўксига қўйиб турарди.

Бу ҳол айвонда ўтирганлардан ҳеч бирининг назаридан четда қолмади.

– Шахло, бу аёл Турсунойга ўхшайдими? – деди Фарангиз ҳайратини яширолмай.

– Ҳа! Турсуной дугонамизга ўхшайди. – Шахло ҳайратланганидан ўтирган ўрнидан туриб кетди. – Турсуноймисан?!

Ҳалиги аёл бир чеккадаги стол атрофида ўрнидан туриб, ўзига тикилиб қолган икки аёлга ялт этиб қаради ва шу тарзда бир зум қотиб турди-да:

– Фарангиз... Шахло... – дея улар томонга шахдам юриб кела бошлади.

Иккала аёл ҳам унинг истиқболига қараб юришди.

Улар бир-бири билан кучоқлашиб ўпишганларича сўраша кетишди.

Йигит билан қиз оналарининг бу ҳолатидан ҳайрон бўлишганларича анграйиб, уларга қараб туришарди.

* * *

Турсуной иккала дугонасининг қаршилигига ҳам қарамай, уларни фарзандлари билан бирга ўзининг чўғдай кип-қизил «Нексия» русумли енгил машинасига ўтказиб, тўғри Яккасаройдаги ҳовлисига олиб кетди. Нақшинкор дарвозадан кириб тўхтаган машинадан тушганларидан кейин Фарангиз билан Шахло икки қаватли, эртақлардагидай ҳашаматли иморатга зимдан назар солишаркан, бир-бири билан «уйни қара» дегандай кўз уриштириб кўйишди.

– Ҳа! Нега анграйиб турибсизлар? Қани, ичкари кинринглар, – деди Турсунойнинг ўзи йўл бошлаб.

– Турсуной, машинани ҳам бинойидай ҳайдаркансан-а? – деди Фарангиз.

– Бу шалдиروق аравани ҳайдаш нима бўпти? – Турсуной қўлини силтаб қўйди. – Самолётим бўлса уни ҳам ҳеч қийналмасдан бошқарардим.

– Қойилман сенга, Турсуной! – Шахлонинг дугонасига ич-ичидан ҳаваси келди.

Фарангиз билан Шахло фарзандларини эргаштириб меҳмонларга тегишли хонага қадам қўйишганида худди

қасрга киргандай анграйиб қолишди. Бу хона юксак дид билан жиҳозланган эди.

– Қани, юқорига чиқинглар, дугонажонларим, – дея Турсуной кўлларини олдинга ёйиб уларга ўтиришга жой кўрсатди. – Хуш келибсизлар.

– Хушвақт бўл, – деди Шахло.

Кейин у бедана юриш қилиб юқорига чикди. Шахлонинг изидан Фарангизга эргашган йигит билан қиз ҳам юмшоқ ўриндикдан жой олишди.

– Қани, омин. – Турсуной фотиҳага кўл очди. – Еганимиз кўй, кўрганимиз тўй бўлсин! Оллоху акбар.

Унга қўшилиб ҳамма юзига фотиҳа тортишди.

Турсуной стол устидаги ноз-неъматларни ёпиб қўйган оқ матони олди. Эртақлардаги «очил дастурхон»дай ҳамма нарса муҳайё эди, кейин у стол бурчагига ўрнатилган оқ тугмачани босди. Орадан кўп ўтмай хонага хушбичим киз кириб келди-да, – Ассалому алайкум. Хуш келибсизлар, – деди.

– Хушвақт бўлинг, қизим, – дейишди Фарангиз билан Шахло баробарига.

– Бизларга чой олиб кел, қизим, – деди Турсуной.

– Хўп бўлади, ойижон! – дея қиз хонани тарк этди.

– Қани, дастурхонга марҳамат, – Турсуной дастурхондан патир нонни олиб ушата бошлади.

Фарангизнинг кўзи беихтиёр Турсунойнинг бармоқларидаги тилла узукларга тушди. Шунда унинг хаёлидан: «Ҳар бир бармоғида иккитадан тилла узук, иккала кўлида ҳам билагузук, бўйнига қалин занжир тақиб олибди. Агар бу тиллаларни пулга чақса ўн миллион сўмдан ошиб кетса керак-ов. Ҳовлисига ўрнатилган дарвозасининг ўзи бир бечоранинг уйидан ҳам қиммат турса керак. Ҳатто дарвозани ҳам машинасидан тушмай пулт билан очди-я! Қизиям хушбичим, ақллигина экан. Бахтли-тахтли деганлари шу-да. Кўз тегмасин, дугонам ҳақиқий бахтга эришибди!» деган фикр ўтди.

– Қани, егуликлардан олиб ўтиринглар, – деди Турсуной. Кейин, у йигит билан қизга алоҳида мурожаат қилди. – Акромбой, Моҳирахон, сизлар нега олмаяпсизлар?

- Олаяпмиз, – деди йигит билан қиз баробарига.
- Ҳеч тортинмасдан, ўз уйлариингиздагидай бемалол еб-ичиб ўтиринглар, – деди Турсуной.
- Раҳмат, Турсуной, – деди Фарангиз, – уялаётганимиз йўқ. Ахир сен бизларга бегона эмассан-ку.
- Яшавор, дугонажон! – Шаҳлонинг қувлиги тутди.– Сендан нега уяларканмиз?
- Мен сизларни назарда тутаётганим йўқ, болажонларимга айтаяпман, – бўш келмади Турсуной ҳам.
- Бўпти... Бўпти... биз аралашмадик, – деди Шаҳло.
- Орадан кўп ўтмай қиз қўлини дастурхон бурчагида турган сочикка артди.
- Нега қўлингни артдинг, Моҳира кизим? Ҳали ҳеч нарса еганинг йўқ-ку, – деди Турсуной.
- Раҳмат! Мен бўлдим, опажон! – деди Моҳира қўлини кўксига қўйиб.
- Шу пайт Ақромбой ҳам қўлини сочикка узатди.
- Майли, Моҳирахон қиз бола... Лекин сен нега олмаяпсан? Сен ўғил боласан-ку, ахир? Ўғил бола катта-катта ейиши керак, – деди Турсуной.
- Раҳмат, Турсуной опа, мен ҳам тўйгунимча едим, – деди Ақром.
- Бу овқат ейишингларда оч қолмасаларинг бўлгани, – деди Турсуной. Кейин у стол бурчагига ўрнатилган ок тугмачани босди.
- Орадан кўп ўтмай хонага ҳалиги қиз кириб келди.
- Дурдонабону қизим, – деди Турсуной қизга юзланиб.– Ақромбой билан Моҳирахонларни хонангга олиб чиқ. Компьютер ўйнайсизларми, мусиқа эшитасизларми, ишкилиб уларни зериктириб қўйма.
- Хўп бўлади, ойижон, – деди Дурдона. Кейин у, «қани, юринглар» дегандай йигит билан қизга юзланди.
- Ақром билан Моҳира ўтирган ўрнидан туриб Дурдонага эргашишди. Улар хонадан чиқиб кетганларидан кейин Турсуной ўрнидан туриб жавонга яқинлашди. У жавоннинг ёнгинасида турган аравагани судраб келди-да,



Bu tanishuv parchasidir. Asarning to'liq versiyasi
<https://kitobxon.com/oz/asar/4471> saytida.

Бу танишув парчасидир. Асарнинг тўлиқ версияси
<https://kitobxon.com/uz/asar/4471> сайтида.

Это был ознакомительный отрывок. Полную версию
можно найти на сайте
<https://kitobxon.com/ru/asar/4471>